БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 24 (3823).
30 СЕШАНБА ЯНВАРЬ 1979 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

XIX ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бугун XIX Тошкент область партия конференцияси ўз ишини бошлади.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини зўр кўтаринки руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Делегатлар Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахоновнинг область партия комитети ҳисобот докладини тингладилар.

Конференция область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси А. М. Кудиновнинг докладини тинглади.

Доклад юзасидан музокаралар кенг тус олди. Делегатлар ўз сўзларида КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик режаларини муваффакиятли амалга оширишни таъминлаш юзасидан пойтахт области партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ишлари тўғрисида ҳикоя қилиб беришди. Тошкент область меҳнаткашларининг барча ишларида коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Докладда, делегатларнинг нутқларида социалистик мусобақани янада ривожлантириш, илғор тажрибаларни ва новаторларнинг ажойиб ташаббусларини кенг ёйиш ва ишлаб чиқаришнинг янги резервларини излаш ва ундан фойдаланиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Коммунистлар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, буюк коммунист-ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги унинг Сиёсий бюроси фаолиятини қизғин мақтадилар. КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини, уларга навбатдаги даврда пойтахт области коммунистлари, барча меҳнаткашларининг жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолган Леонид Ильичнинг нутқини ҳар томонлама муҳокама қилмоқдалар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар иштирок этмоқдалар.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ, ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ 1978 ЙИЛНИНГ ТЎРТИНЧИ КВАРТАЛИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети 1978 йилнинг тўртинчи кварталидаги районлар ва корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби бўлган **Октябрь районига** (район партия комитетининг секретари Х. Тошхўжаев, район ижроия комитетининг раиси А. Қодиров, район комсомол комитетининг секретари И. Валиева) берилди. Бу район махсулот реализация қилиш бўйича квартал планини 103.2 процент бажарилишини таъминлаб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш ҳисобига эришди ва 1978 йилнинг тўртинчи кварталида ишлаган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Миконд» заводи коллективига** (директори Х. Тожиев, партком секретари А. Фозилбеков, завком раиси А. Белик, комсомол комитетининг секретари Н. Абдужабборов) берилди. Бу коллектив маҳсулот реализация қилиш бўйича 1978 йил тўртинчи квартал планини 100.9 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 процент ўсишини таъминлади ва социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети шаҳардаги енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **«Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига** (директори Н. Фомина, партия ташкилотининг секретари Я. Качурова, касаба союз комитети раиси Т. Звонова, комсомол комитети секретари Г. Неъматова) берилди. Бу коллектив ишлаб чиқариш ҳажми бўйича квартал планини 112.1 процент бажариб, ўтган йил шу даврга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 12.2 процент ўсишини таъминлаб, тўртинчи квартал учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитети транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроқ **Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг 2-трамвай депоси коллективига** (бошлиғи В. Головченко, партия ташкилотининг секретари Н. Бариев, касаба союз комитети раиси В. Куракин, комсомол ташкилотининг секретари Т. Ёқубов) берилди. Бу коллектив пассажирлар ташиш бўйича квартал планини 100.9 процент бажариб, вагонларнинг план бўйича чиқарилишини ва ҳаракатнинг бир маромдалигини таъминлади.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Ташпинжстрой» трести коллективига** (трест бошқарувчиси А. Абдуқодиров, партия комитетининг секретари З. Солихўжаев, бирлашган касаба союз комитетининг раиси В. Богданов, комсомол ташкилотининг секретари М. Школник) берилди. Бу коллектив бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 104.3 процент, шу жумладан, ўз кучлари билан 101.2 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминлади.

Шаҳардаги районлар орасида тўртинчи квартал якуни бўйича капитал қурилишда Фрунзе райони коллективи энг яхши натижага эришди. Бу районда турар жойларни ишга туширириш плани 100.9 процент, қурилиш-монтаж ишлари плани 106 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш топшириғи эса 117 процент, меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 103,3 процент бажарилди.

Шаҳар Ҳурмат тахтасига 37 саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхонаси ёзилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Украининг Россия билан қайта қўшилганига 325 йил тўлиши билан Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ва Украина Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини қизғин ва самимий табриклайдилар.

● СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Павел Васильевич Финогеновни СССР Мудофаа саноати министри қилиб тайинлади.

● Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Руминия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Ш. Андрей Совет ҳукуматининг таклифига биноан 29 январь куни расмий визит билан Москвага келди.

● СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг мажлислари мамлакатда партия билан халқнинг бузилмас бирлиги белгиси остида ўтмоқда. Комиссиялар Ватанинг энг яхши ўғил ва қизларини — давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодларни яқдиллик вазиятида рўйхатга олмоқдалар.

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

29 январь куни 117-Тошкент-Октябрь сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Ўзбекистон пойтахтининг шу округдаги Октябрь, Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашларининг вакиллари қатнашдилар.

Комиссия раиси К. Х. Муҳаммадалиева бундай деди: округдаги барча сайловчилар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Тошкент-Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик берганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, гўлт мамнун бўлдилар.

Мажлисда сўзга чиққан «Миконд» заводининг йиғувчиси З. Каттабекова, 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари А. А. Пантелеев В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг студенти Г. Маъруфхўжаева чинни заводининг қолипловчиси М. Еқубов ва бошқа ўртоқлар меҳнаткашлар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини тамомила қўллаб-қувватлаётганликлари, партия XXV съездининг қарорларини шараф билан бажаришга астойдил интилаётганликлари ҳақида гапирдилар. Улар ўз коллективларининг топшириғига биноан Ш. Р. Рашидовни Тошкент-Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олишни сўрадилар.

Округ сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шараф Рашидович Рашидов**ни 117-Тошкент-Октябрь сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди.

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 561-Қўқанд сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия Қўқанд районидаги Чапаев номли совхоз шоликорлар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Убайниёз Беки**ёзонни шу округдан депутатликка номзод қилиб рўйхатга олди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА ● Янги қурилишлар учун

Ж. Мирзоянц бошчилик қилаётган 9-цех коллективи пойтахтдаги лак-бўёк заводи ишлаб чиқариш цехлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу цехда ранг-баранг ёғоч ва металларга ишлатиладиган бўёқлар, эмаль, эмульсион ва пол бўёқлари, лак ишлаб чиқарилади. Янги йилнинг бошланиши билан цех коллективи титан белиласини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

БУГУН

цехда ишлаб чиқарилган янги титан белиласининг дастлабки туркуми тайёр маҳсулотлар цехига топширилди. Бундай маҳсулотлар шу ҳафта давомида Москва, Украинанинг Донецк области, Шимолий Кавказ районларидан Таганрогга, Урта Урал районларидан Нижний Тагил каби шаҳарларга юборилади. Бу йил корхонанинг маҳсулотларига бўлган талаб янада ортмоқда.

Мамлакатимиз н и н г 300 дан ортиқ шаҳарларида бунёд этилаётган янги-янги қурилишлар учун тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тобора яхшиланмоқда. Корхона коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилида 55 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Бундай юксак маррага бир вақтнинг ўзида корхонани реконструкция қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш йўли билан эришилади.

ФАХРЛИ МУКОФОТ

Ўтган йили республикамиз мактабларининг 76 минг ўқувчиси пионер лагерларда ҳамда меҳнат ва дам олиш лагерларида ҳордиқ чиқарди. Ёшларнинг дам олишини ташкил этиш, уларни ғоявий-сиёсий, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда совет ва хўжалик ташкилотлари билан бир қаторда касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг фаолияти эътиборга лойиқ бўлди.

Яқинда ВЦСПС секретариати ВЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда 1978 йил болалар ва ўсмирларнинг энг яхши дам олишини ташкил этиш бўйича республикалар, ўлкалар, областлар комсомол ва касаба союз ташкилотлари ўртасидаги Бутунниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини эълон қилди. ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига берилди.

Амалдаги интернационализм

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

Бундан 30 йил муқаддам, 1949 йил 25 январь куни социалистик мамлакатларнинг халқаро иқтисодий ташкилоти — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши тузилди. Унинг вужудга келиши — социализм мамлакатлари ўзаро яқинлашиб бораётганлигидан иборат тарихан қонуниятли жараённинг натижасидир. Капитал дунёсининг ҳамма нарсани монополиялар ғаразли манфаатларига бўйсиндирувчи вахшиёна қонунларига социализм дунёси ўз принципларини — тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам принципларини қарама-қарши қилиб қўйди. Ўз мамлакатигина эмас, ҳамдўстликдаги бошқа қардош давлатлар ҳам муваффакиятли ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш — пролетар, социалистик интернационализмнинг олий тимсолидир.

Капиталистик дунёда аёвсиз рақобат кураши ва ишлаб чиқаришнинг тартибсизлиги ҳукм сурса, валюта ёқилғи ва хом ашё танглиги ҳаммани васвасага солса, социализм мамлакатларининг экономикаси ҳам миллий, ҳам муштарак, интеграцион планлар асосида узлуксиз ва бир текис ривожланмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ўтган ўттиз йил мобайнидаги иқтисодий ютуқларини кўрсатувчи бир неча рақамни эслатиб ўтамиз.

Шу мамлакатларнинг саноат ишлаб чиқариши ўсиш суръатлари мазкур даврда капиталистик дунёдаги ўсиш суръатларидан 4 баравар юқори бўлди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари жаҳон территориясининг 19 процентини ишғол қилади ва ер юзи аҳолисининг ўн процентн шу мамлакатларда яшайди. Холбуки улар бутун дунёдаги саноат маҳсулотининг таҳминан учдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Бу мамлакатларнинг индустриал қудрати АҚШнинг қудратидан ортиқ; уларнинг қудрати Ғарбий Европадаги мамлакатлар ҳаммасининг саноат потенциалини бирга қўшганда ҳам улардан устунлик қилади.

Капиталистик давлатларнинг иқтисодий бирлашмаларида, масалан, Ғарбий Европадаги «Умумий Бозорда ҳар бир мамлакат фақат ўз ғамини еб, бошқалар ҳисобига имкони борича кўпроқ ўмариб қолишга интилса, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг аъзолари бутун ҳамдўстлик манфаатлари тўғрисида, шу ташкилотда • қатнашувчи барча мамлакатларнинг социал-иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириб олиш ҳақида ғамхўрлик қиладилар. Айни шу боисдан ҳам Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг куни кеча Москвада ва мажлис ўтказган ижроия комитети кенгашга яқинда қабул этилган Вьетнам Социалистик Республикасига унинг уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклашда ва социализмнинг моддий-техника базасини барпо этишда ёрдам бериш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Айни шу боисдан ҳам ижроия комитетининг мазкур мажлисида Куба Республикасида геология-разведка ишларини кучайтириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги бош битим имзоланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ижроия комитети Улан-Баторда аввалги мажлисда эса Монголия Халқ Республикаси экономикаси ривожини жадаллаштиришга қаратилган кўшма тадбирларни белгилади. Амалдаги интернационализм деб ана шуни айтадилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган айрим мамлакатлар экономикасининг ривожи пировард натижада бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлайди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар 10—15 йилга мўлжалланган ҳамкорликнинг узоқ муддатли тармоқ программаларини ишлаб чиқаётганликлари шу мамлакатларнинг план сохасида биргаликда қилаётган ишларида сифат жиҳатидан янги формадир. Бу программалар энергия, ёқилғига, хом ашёнинг асосий турларига тез ўсиб бораётган эҳтиёжларни ялпи қуғайрат билан таъминлашга, озиқ-овқатга ва халқ истеъмол қиладиган саноат молларига талабни тўлиқроқ қондиришга, машинасозлик даражасини оширишга, транспорт ривожини жадаллаштиришга қаратилган. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ҳамма мамлакатлари шу вазифаларнинг ҳал этилишидан ғоят манфаатдордирлар.

Энергия, ёқилғи ва хом ашё сохасидаги тармоқ программаси бениҳоя муҳимдир. Бу программа, жумладан, атом энергетикасини жадал ривожлантиришни кўзда тутади. 1990 йилгача Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида жами қуввати 37 миллион киловаттга борадиган атом электр станциялари қуриш мўлжалланмоқда. Кенгашга аъзо бўлган мамлакатларнинг интеграция планларида кенгашнинг барча қатнашчилари эҳтиёжларини кондиришга, шунингдек шу мамлакатлар саноат корхоналари ва бутун-бутун тармоқлари ўртасидаги ихтисослаштиришга ва кооперациялашга мўлжалланган катта-катта саноат комплексларини биргаликда қуриш ҳам кўзда тутилган. Оренбургдан СССРнинг Ғарбий чегарасигача чўзилган «Союз» магистрал газ қувурининг қуриб битказилиши ана шундай кардошларча ҳамкорликнинг яққол мисоли бўлиб хизмат қила олади. Шу қувур орқали ҳар йили 28 миллиард куб метр, шу жумладан уни қуришда қатнашган бошқа қардош мамлакатлар учун 15,5 миллиард куб метр газ юборилиб турилади.

Социалистик иқтисодий интеграция комплекс программаси муваффакиятли амалга оширилмоқда. Қардош мамлакатларнинг коммунистик партиялари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг келгусидаги иккита беш йиллигини ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни жадал чуқурлаштириш даврига айлантиришга аҳд қилгачлар.

В. СЕРОВ.

ТАСС.

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан Тошкент Давлат университетининг 84-ётоқхонаси биносида ташкил этилган 87/140-сайлов участкасида бўлдик. Бу муҳим кампанияни уюшқоқлик билан ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Сайлов участкасидаги агитпункт агитаторлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларига оид ва «СССР Конституцияси ҳаракатда», «Беш йиллик — рақамларда», «Ўзбекистон ўнинчи беш йиллиқда» каби турли стендлар ва диаграммалар тайёрлашган. Агитпункт керакли адабиётлар, телевизор, радио, кундалик газета ва журналлар билан жиҳозланди. Сайлов қутилари ўрнатилди.

Математика факультетининг ўқитувчилари Ж. Омонов, Б. Назаров, юқори курс студентларидан Т. Эшдалатов, Т. Саиркина, И. Ерматов, Н. Расулов сингари участка агитаторлари сайлов олди тайёргарлик ишларида актив иштирок этмоқдалар. Юридик фанлари кандидати О. Ҳусанов «Совет сайлов системаси— дунёда энг демократик сайлов системаси» деган мавзуда лекция ўқиди.

84-ётоқхона биносига жойлашган сайлов участкасидан Тошкент Политехника институтининг 84, 85, 86, 12, 14-ётоқхоналарида истиқомат қилувчи йигит-қизлар овоз берадилар. Сайловчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат.

— Шу боисдан биз агитпунктда «Ёш сайловчи бурчаги» ташкил этганмиз, бу бурчакда юрист-консультантлар, студент-агитаторлар томонидан совет гражданларининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, совет сайлов системаси сингари мавзуларда кечалар, лекциялар олиб борилмоқда, — дейди сайлов участкасининг агитпункт мудири, математика фанлари кандидати, доцент Омон Ҳайитов.

С. АБДУРАҲИМОВ.

Сачобар Исломова ўн йиллан бери шаҳримиздаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида меҳнат қилади. Ёш коммунист смена нормасини мунтазам ортиғи билан адо этиши туфайли ҳозир 1980 йил ҳисобига сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

И. Шоиноғомов фотосн.

УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАСИ УЧУН

Шу кунларда Собир Раҳимов районидаги 59/112-сайлов участкасида СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик ишлари тобора қизитилмоқда. Шу участка агитпункт мудири Зарофатхон Усмонова бундай дейди:

— Агитаторларимизнинг зўр ғайрат билан ишлаши натижасида сайловчилар рўйхатини барвақт олиб бўлдик. Улар рўйхати ҳозир агитпункт зали деворларига осиб қўйилган.

Бу сайлов участкаси агитпунктида алоҳида агитбригада ҳам ишлаб турибди. Агитбригадага 20 агитатор бириктирилган. Улар маҳаллаларда бўлиб, сайлов олди агитациясини тобора кучайтирмоқда л а р. Масалан, Гули Бахтиева, Эльмира Алиева ва Матлуба Ғафурова каби ўнлаб тажрибали агитаторлар, айниқса, ёш сайловчилар ўртасида турли темаларда, сайловларга оид тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари сайловчилар билан участка агитпункт залида совет сайлов системасига доир лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Масалан, районнинг биринчи секретари Ш. Ш. Ҳамроев, райсовет депутатлари раиси Ш. Ш. Ҳамроев, ҳокимлик раиси Ш. Ш. Ҳамроев, прокурор Ш. Ш. Ҳамроев, суд раиси Ш. Ш. Ҳамроев ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқаришдаги ютуқлар ва камчиликлар тўғрисида сўзлаб берадилар.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

ИШОНЧГА САЗОВОР

Цех бошлиғи В. В. Трегубов билан қисқагина суҳбатда Клепинин ҳақида билишни истардим. Суҳбат ўз-ўзидан Василий Михайлович ҳақида кетди.

— Клепининми? — деди цех бошлиғи.— Яхши ходим. Яхши ниши.

— Василь Василич,— дедим мен.— Аниқроқ гапириб берсангиз. Яхши одамлар кўп. У нимаси билан яхши?

Трегубов ўйланиб қолди.

— Разведнага мана шундай нишлар билан бориш мумкин. Ҳа, умуман айтганда шундай. Унинг асосий фазилати нимада? Софдиллигида, албатта. Ҳақиқий ишчи софдиллиги ва сидқидиллиги, ишда ҳам, одамларга муносабатда ҳам!

Цех бошлиғидан бошқа нишилар ҳам Клепинин тўғрисида ана шу фикрни такрорлашди. Партия ташкилотининг секретари М. Қулибоев ҳам, Василий Михайловичнинг биринчи мураббийси А. Н. Белов ҳам, унинг насбдоши П. Монахов ҳам. У Клепинин билан мана, ўн йилдан буён токарлик станогини алмашиб ишлайди. Собиқ шогирди Юра Рудько ҳам...

Мана, Василий Михайлович муранкаб деталь — қолип қисмини тайёрлайди. Детални пухта нўздан кечирди. Унинг ярқираши Василий Михайловични қувонтиради. Ишни севиб, қалбдан бажаргани, гиждонан ишлагани бу деталлардан шундоқгина кўринниб турибди.

— Умр бўйи деталь ишласам дейман,— деб ҳикоя қилади табассум билан Клепинин.— Мўҳими, бу ишни севиш керак. Слесарь йнгув пайтида ёки бошқа бир ишни бу деталнн қўлга олгандан сўнг у ҳам ўз ишини севиб адо этсин.да.

Ҳа, Василий Михайловичнинг деталлари алоҳида ажралиб туради. Уз ишининг моҳир устаси нўлидан чиқаётган деталларнг таниб олиш қийин эмас. У чизмага риоя қилади, албатта. Лекин бу ишга қалб қўрини ҳам сўрашганда у чўчиб кетди.

— Ҳаммасини ўйлаб нўрдим. Нименинг ҳисобига бажарнш керак?— деб ҳикоя қилди у.— Тўғри, тажрибам етарли. Маҳоратим ҳам бордеч. Станок олдида диққатни жойига қўйиб ишлаш керак. Яна, мана бу ёрдамчи мосламалар бор. Бажаришга аҳд қилдим! Қулибоев билан биргаликда ана шундай мажбурият олдик.

Михайлович токарлик насбига ўргатган эди. Ўғли Виктор ҳам шу цехда токарь бўлиб ишлади. Ҳозир у армия сафида хизмат қилянти. Кетма-кет йўлдаётган хатларида ўз цехига қайтиш ниятида эканлигини ёзмоқда. Василий Михайлович бошчилик қилаётган натта меҳнат сулоласи ана шундай.

Ўтган йили ёзда Клепининнинг 50 йиллиги нишонланди. У бу ҳақда ўйлаб нўрмаган эди. Уни цехга чақиришдида, чанг тозалагич беришди. Яхши сўзлар айтишди. Уз ишининг устаси, ҳақиқий коммунист, жамоатчи эканлигини таъкидлашди...

Василий Михайлович 1965 йилдан буён КПСС аъзосидир. У уч марта цех партия ташкилоти секретари қилиб сайланган эди. Ҳозир иккинчи марта партия группаси ташкилотчиси қилиб сайланди. Коммунист Клепининнинг яна бир масъулиятли вазифаси бор. У ишдан бўш пайтларида станокни яхшилаб тозалайди. «Ҳурмат белгиси» ордени тақилган костюмини кийиб цехдан тантанавор ҳолда чиқади. Василий Михайлович 6 йилдан буён Тошкент область партия комитетининг аъзосидир. У бошқа коммунистлар қаторида область хўжалик ва маданий тараққиётининг муҳим масалаларини ҳал қилишга қатнашмоқда.

— Клепининнинг кенжа шогирди Юра Рудько у билан ҳанли гавишда фахрланади. Агар Василий Михайловични диққат билан тингласангиз, ноқобил шогирдлар йўқлигига, балки ноқобил мураббийлар бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Унинг шогирдлари олдинги сафларда меҳнат қилишяпти.

Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси токарь А. Н. Белов ёш Васяга ҳунар ўргата бошлаган пайтдан бошлангандир. У баъзиларга ўхшаб бақириб-чақирмас, мажбур этмас эди. Клепинин ўз устози изидан борди. Аввало, насбни тез эгаллади. Ҳозир унинг шогирдлари маҳоратни кун сайин эмас, соат сайин оширяпти, десак муболаға бўлмайди.

— Шогирдлар брак маҳсулот тайёрлаган пайтлар ҳам бўлиб туради,— дейди Василий Михайлович.— Биз, асбобсозлар учун брак жуда қимматга тушади. Ленин,— деди у кўрсатгич бармоғини нўтариб,— брак маҳсулот тайёрлаган шогирдга боқиб кўрма. Балки сабр қил ва ҳурмат билан қара. Сен йигитчанинг қалбига қулоқ сол. Унга отагарча муносабатда бўл. Қалбига кўр солиб, бракка йўл қўймаслик сирларини ўргат. Ана шунда у бунн умр бўйи унутмайди.

Василий Михайловичнинг маҳорат мактабини ўтагани учун Юра юқори малакали токарь бўлиб етишди. Клепинин коммунист сифатида ҳам, партия группасининг ташкилотчиси сифатида ҳам, энг аввало, ана шу бурчни адо этмоқда — ишчи авлодини тарбиялаётгандa. Асбобсозлик цехидаги ёшлар бошқа цехларга қараганда узоқ ишлаб қолишлари, одамлар билан тил топишишлари бутун корхонага маълум-ку.

Клепинин ва унинг сулоласи тўғрисида, унинг токарлик маҳорати, ўртоқларига ҳамиша ёрдамга шайлиги, моҳир, сидқидил, виждонли ва оғир — қазмин мураббий эканлиги, барча натта ва кичик ишларда ўрнак бўлаётгани тўғрисида кўп ҳикоя қилиш мумкин.

Лекин ана шу барча мадҳ этувчи сўзлардан кўра «Таштенстильмаш» заводига бундан бир ой илгари келган қисқача хабар кучлироқ янграйди. Токарь Василий Михайлович Клепинин корхона партия комитетининг секретари В. Г. Гопаненко билан биргаликда XIX Тошкент область партия конференциясига делегат қилиб сайланди.

Суруннасига учинчи марта сайланди...

Р. ТЭЛЛЬ.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мажбуриятлар изидан

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» НИНГ 3-ТРЕСТИ БИЛАН 159-ТРЕСТИ, 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН 8-ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ИШ СУРЪАТИ ОШИРИЛСИН

1978 йил январь — декабрь ойлари асосий кўрсаткичлари	Қурилиш трестлари: 3	159	11-«Висотстрой»	8
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	97,7	108,5	110,9	100,1
б) ўз кучлари билан	82,6	103,4	117,8	108,3
Иш қажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	95,5	93,6	93,6	112,1
б) ўз кучлари билан	75,2	101,0	114,2	120,4
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	76,0	92,8	100,5	99,3
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	78,8	98,0	108,2	115,1
Планни бажармаган бошқармалар сони				
а) бош пудрат бўйича	2	2	2	—
б) ўз кучлари билан	3	1	—	—
Уй-жойлар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда).	81,5	94,1	64,3	79,0
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	107,0	—	116,2
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши.	109,0	105,3	73,0	95,1
Маҳаллий Советлар объектлари қурилиши планининг бажарилиши	113,2	88,4	200,0	88,8
Йил бошида фойдаланишга топширилган объектлар сони	36	18	4	12
Ўртача баҳоси (балларда).	3,7	3, 95	4	3,8
Бригеде пудрат методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	27	25	12	20

Беш йилликнинг учинчи йили тошкентлик бинокорлар учун зарбдор меҳнат йили бўлиб, улар ўнларча саноат, маданий-маиший ва турар жой объектлари қурилишини тугаллаб, фойдаланишга топширишди.

«Главташкентстрой»нинг кўплаб меҳнат коллективлари зиммаларига олган план ва социалистик мажбуриятларни оширнб бажаришиб, қурилиш ишларининг муддатларини қисқартиришга, таннархни камайтиришга эришишди, меҳнат унумдорлиги бир мунча ўсди.

Бироқ, айрим бўлинмаларда, жумладан, 3-трестда материаллар ва ишчи кучлари бир қанча объектларга сочиб юборилиши туфайли айрим техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планлар бажарилмади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумида сўзлаган нутқида бинокорлар барча куч ва материал-техника ресурсларини ишга туширилаётган объектларга сафарбар этишлари лозимлигини уқтирган эди.

3-қурилиш трести 1978 йилда ана шундай қилмади. Шунинг учун химия-фармацевтика заводининг инженерлик корпуси, чўтка фабрикаси, мороженое фабрикаси, «Ташсельмаш» заводининг ҳунар-техника билим юрти сингари бир қатор муҳим объектларни битказа олмади.

Беш йилликнинг учинчи йилида трест 2 миллион сўмликдан знёд қурилиш-монтаж ишларини уддаламади. 5, 15 ва 30-қурилиш бошқармалар планларини бажармади. Бу бошқармаларда қурилиш ишларини ташкил этиш ёмон йўлга қўйилганлигини билдиради.

3-қурилиш тестининг мусобақадоши 159-қурилиш трести ўтган йили унумли ишлади.

Трест мактаблар ва болалар боғчалари объектларини қуриш планини ҳам муваффақиятли уддалаб, 18 та маданий-маиший объектни фойдаланишга топширди.

Қўлга киритилган юксак муваффақиятларга хўжалик ҳисобидаги бригадаларнинг коллективлари баракали улуш қўшдилар. 1978 йил планига кўра, 22 бригада хўжалик ҳисоби усулида меҳнат қилиши керак эди. Аслида эса 25 коллектив злобинча усулда ишлаб, қурилиш-монтаж ишларининг муддатларини ва таннархини камайтиришга муваффак бўлди.

Ўтган йили Т. Самиғов, Р. Гайнулин, А. Юнусов, Н. Мичулис, В. Петров сингари коллективлар яхши натижаларга эришишди. Улар айни кунларда 1980—1981 йиллар ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

⁂

1978 йилнинг сўнгги ойида 11-«Висотстрой» трестининг бригадалари ҳам унумли меҳнат қилдилар.

Социалистик мусобақаларда Ҳ. Қораболев, М. Ҳабибуллаев, В. Суховой. Ю. Дебердиев бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилдилар. Улар Тошкент бош почтамти, киноконцерт зали, радио-телевизион минора, авиасозларнинг маданият саройи, область ижроия комитетининг маъмурий биноси каби кўп иншоотларда яхши ишлашди.

8-қурилиш трести ҳам йиллик бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариб топшириқларини ошириб адо этди. Бироқ, уй-жойлар қуриш, маҳаллий Советлар объектларини бунёд этиш бўйича топшириқларни уддаламади. Бунга ёрдамчи пудратчи ташкилотлар яхши ишламаганлиги, бир қатор объектларда лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрлаб берилмаганлиги сабаб бўлди. Трест раҳбарлари беш йилликнинг тўртинчи йилида ўтган йили йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўришлари керак.

ОВҚАТЛАНИШ ЦЕХИ: ЮТУҚ ВА ПРОБЛЕМАЛАР

ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ошхонаси ходимлари тушлик бошланишига пухта тайёргарлик кўрадилар. Шунинг учун ҳам завод ишчи ва хизматчилари тушлик пайтида навбат кутиб, вақтларини бекор кетказишмайди. Бу ерда ошхона хўрандаларига тез ва соз хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишади. «Ташкенткабель» заводи ошхонасида ҳам бундай ишлар моҳирона ташкил этилган В. И. Ленин номли электрон-техника, «Ташсельмаш» заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ошхоналари ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Шаҳримизда бундай илғор ошхоналар тобора кўпайиб бормоқда, деб таъкидлади Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи К. В. Концевая шаҳар умумий овқатланиш ходимлари активи йиғилишида сўзлаган нутқида.

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ошхонасида қўлга киритилган тажрибалар ҳам алоҳида диққатга лойиқ. Бу ерда тайёрланаётган ярим фабрика маҳсулотлари завод ишчи ва хизматчилари учун етарли бўляпти. Абонемент системасида комплекс тушликлар тарқатиш яхши жорий этилган. Бу ерда биринчи марта кредитга овқатлар сотиш ташкил этилди. Ў ишчилар ва ошхона ходимлари учун ҳам жуда қулайдир.

Бундай ютуқлар корхоналарда бу соҳадаги ишларни моҳирона ташкил этиш туфайли қўлга киритилди. Л. Гушченская кўп йиллардан буён Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи ошхонаси ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиб келяпти. «Ташсельмаш» заводи ошхонаси ошпазбригадири Т. Мансуров ҳам ўз касбини мукаммал даражада эгаллаб олган. Акмал Икромов районидаги мактаблар ошхонаси ошпази А. Ананова, 1-уйсозлик комбинати ошхонасининг ошпазбригадири Ҳ. Миразизовлар ўзларининг фидокорона меҳнати билан ҳурмат қозонишган. Ишлаб чиқариш илғорлари ва юксак меҳнат кўрсаткичларига эришаётган бундай пешқадамлар номини яна ўнлаб ва юзлаб келтириш мумкин.

Улар юксак сифатли маҳсулот тайёрлаш ва юксак маданий хизмат кўрсатиш, шунингдек беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақанинг илғорлари бўлдилар. Уларнинг ташаббуслари ҳамма жойда кенг қўллаб-қувватланди. 240 киши «1978 йил социалистик мусобақаси ғолиби» нишонлари билан, юздан ортиқ коллектив эса область социалистик мусобақаси натижаларига кўра пул мукофотлари ва дипломлари билан тақдирланди. Киров, Фрунзе ва Ленин район ошхоналар трестларининг коллективлари ўтган йили Ўзбекистон ССР савдо министрлиги ва давлат савдоси ҳамда матлубот-кооперация ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланишди.

Шаҳар умумий овқатланиш корхоналари 1978 йил 10 декабрда беш йилликнинг уч йили планини адо этишди. Пландан ташқари 4,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. 1977 йилга қиёсланганда ўтган йили товар оборот 8,5 миллион сўмга ёки 5 процентга ўсди. Бу кўрсаткич айниқса. Чилонзор, Киров, Ленин районлари ошхоналар трестларида янада юқори бўлди. Айни пайтда бу коллективларда ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш планлари ҳам ошириб адо этилди.

Ўтган йили умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари янада кенгайди. 5400 ўринли ошхона ва кафелар фойдаланишга топширилди. Шундай бўлса ҳам ҳали шаҳарда ошхоналар етишмаётганлиги сир эмас. Шу билан бирга бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд. Мана, кўп йиллардан буён бу мақсадлар учун турар жой қурилишидан ажралган 5 процентли майдонлар ўзлаштирилмаяпти. Айрим объектлар бу йилдан ў йилга бир титул рўйхатида ўтказиб келиняпти. Бундай ҳоллар билан бундан буён келишиб бўлмайди. Бу борадаги проблемаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан ана шу масалаларга эътибор қаратмаётган ошхоналар трести раҳбарларига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. хизмат кўрсатишнинг янги формаларини жорий этиш, хизмат маданиятини ошириш бўйича ҳам ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Актив йиғилишида ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида гап борди.

Йиғилишда шаҳар партия комитети секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди. Йиғилишда республика савдо министри Ғ. Ғ. Юсупов нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши 1979 йил учун шаҳар умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг оширилган социалистик мажбуриятини қабул қилди.

А. ХАТАМОВ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Техника кўпга чидасин учун

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети янги бозор бўлимида чопиқ тракторларига техника хизмати кўрсатувчи станция ишга туширилди. Унинг лойиҳадаги қуввати йилига 400 та машинага боради. Янги ихтисослаштирилган хизмат техникадан фойдаланиш муддатини анча узайтиришга имкон беради. Гурлан районидаги хўжаликлар унинг хизматидан фойдаланади.

●

Автомат тегирмонлар

Фарғонада ҳар куни 300 тонна ун тортадиган тегирмон заводи қурила бошланди. Энг янги машина-ускуналар ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришга, фақат олий нав маҳсулот олишга имкон беради. Ҳозир Сурхондарё областининг Шўрчи районида ҳам шундай завод қурилмоқда, республиканинг бошқа ғаллакор районларида ҳам кучли автомат тегирмонлар қуриш мўлжалланади.

●

Сифат белгиси билан

Шаҳрисабз консерва заводи чиқараётган беҳи қиёми солинган банкаларни фахрли беш бурчак тамға безади. Шу йил корхонада миллион шартли банкадан ошиқ шундай маҳсулот тайёрлаб, савдо шахобчаларига юбориш мўлжалланади. Эндиликда завод конвейеридан давлат Сифат белгисига сазовор бўлган олти хил мураббо, қиём, мева суви тушмоқда.

(ЎзТАГ).

Шаҳримиздаги «Геологоразведка» заводи республикамиз геологларига турли асбоб-ускуналар тайёрлаб беради. Завод ишчи ва хизматчилари буюртмаларни тез ва соз бажариш учун бутун имкониятларни ишга солиб меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: капитал ремонт участкасининг бошлиғи Эркин Раҳимов.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ БОНГ УРАДИ!

«ИНТИЗОР» ЮКЛАР

Мамлакатимизнинг харитасига кўз югуртирсангиз, темир йўл излари гўё инсон танасидаги сон-саноқсиз томирларга ўхшайди. Ана шу «қон томирлари»нинг бир учи пойтахтдаги Шумилов станциясига уланган. Бу ерда эрта-ю кеч ҳаёт қайнайди. Юк поездлари турли хил юкларни тинимсиз келтириб туради. Улкан кранлар бир зум тинмайди. Станциянинг юк майдони — мавжуд 20 та рамкаси мижозларнинг буюртмалари билан тўлиб кетган. Аммо негадир буюртмачиларнинг ўзлари кўринишмайди. Фақат уларни аҳён-аҳёнда қалашиб ётган турли юклар ичра ўз буюртмасини ахтариб юрган пайтларида кўриш мумкин.

— Нима қидиряпсиз? — деб сўраймиз терлаб-пишиб, ящикма-ящик сакраб юрган «Главсредазиатстройтрест»нинг экспедитор-шофёр Олим Маҳмудовдан.

— Нимани бўларди, уч соатдан бери юкимизни — экскаваторнинг эҳтиёт қисмлари тўла ящикни қидиряпман, — деб ҳуноби ошиб жавоб беради у. — 5-рамкада дейишганди. Станция вакили билан хўб изладик. Ҳеч ваҳо йўқ... Биринчи ящикни эса юклар ортидан аранг чиқариб олдик...

Хўш, нега аҳвол бундай? Нима учун мижозлар қимматли вақтларини беҳуда ўтказишиб, сарсон бўлишяпти? Ким айбдор бунга?

— Айб мижозларнинг ўзларида, — дейди станция оғир юклар майдони мудири Қобил Расулов. — Мижозларга юк келганлигини ўз вақтида хабар қилишимизга қарамай, улар ўзларига тегишли юкларни вақтида олиб кетишмаяпти. Шунинг учун ҳам станция юк майдони турли хил юкларга тўлиб кетган. Натижада пайдо бўлган бундай «тўғон» бизнинг ишимизга ҳам салбий таъсир кўрсатяпти...

Станция ходимининг гапида жон бор. Станциянинг мавжуд рамкалари турли-туман юкларга тўлиб кетган. Бу ерда бирбирининг устига мингашиб, синиб, сочилиб, занглаб ётган буюмларни учратасиз. Улар ойлаб, ҳатто йиллаб ўз эгаларни кутиб ётибди. Шунинг учун ҳам кеч келган мижозларнинг ўзлари юкларини қидиришиб, вақтларини беҳуда ўтказишиб, ортиқча меҳнат сарфлашяпти, станцияда юк ортиш ва туширишнинг яхши ташкил этилишига ҳалақит бериб, келаётган юк вагонларининг станцияда ортиқча «ушланиб қолишига» сабабчи бўлмоқдалар.

Ваҳоланки, бу ерга — станция юк майдонига туширилган юклар аслида бир кундан узоқ вақт ётмаслиги керак. Афсуски, айрим корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларининг ишга бўлган ўта совуққонлиги, буюртмага заказ беріб, сўнгра уни унутиб қўяётганликлари, хўжасизлик кўчасидан чиқаолмаётганликлари ана шундай аҳволга сабаб бўлмоқда. Неча-неча мингдаб сўмлик давлат мулки очиқ ҳавода — ёғин-сочинда «бўкиб» ётибди. Мингдаб давлат маблағи ҳавога беҳуда совурилмоқда.

Қондага биноан станция маъмурияти юк келиши билан тегишли мижозга дарҳол (узоқдагиларга телеграмма орқали, яқиндагиларга эса телефонда) хабар қилади. Олиб кетиш муддатидан бир кун ўтгач, станция мулкни сақлаётгани учун ташкилот, муассаса ёки корхонадан суткa мобайнида тоннасига 1 сўмдан — беш баравар жарима олади.

Мана, рақамларга мурожаат қилайлик. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Ўзмедтехника» хўжалик базасига қарашли 1 минг 200 килограммдан иборат иккита яшик 1978 йилнинг 1 ноябрида станциянинг 20-рамкасига «ташриф буюрган». Афсуски, яшиклар ҳозиргача (маълумотлар 1979 йилнинг 5 январигача) эгаларига «интизор». Граждан саноат қурилиши трести ва сув хўжалиги дирекциясига қарашли икки тоннали бир жуфт яшикнинг ҳам «кўзлари» мутасадди ўртоқларнинг йўлларига «нигорон». Бу яшиклар ҳам 20-рамканинг бир четида ёғин-сочинда «дилдирашиб». арз-ҳолларини кимга айтишларини билмай ётибди. Шунингдек, «Узглавмашснабсбит» базасининг ҳар бири ярим тоннадан келадиган иккита насоси, «Вторцветмет» бирлашмасининг 550 килограмли юки, Олмалиқ химия заводининг 2 та трансформатори, экскаватор заводининг 1 та кран-балкаси, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг битта трансформатори ва бошқа кўплаб корхона ҳамда ташкилотларнинг буюртмалари станция юк майдонининг турли рамкаларида бир неча ойдан буён эгаларини кутиб «ранглари сариғайиб кетган».

Шуниси ачинарлики, айрим юклар, буюртмалар ўз нархидан икки-уч баравар ортиқ «жарима пули йиғиб» қўйишди. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари эса «оғринмай», бемалол давлат чўнтагидан жарима тўлашмоқда. Жумладан, фақат 1978 йилнинг декабрь ойида Тошкентдаги металлни қайта ишлаб чиқариш бирлашмаси 2353 сўм, Олмалиқ химия заводи 1364 сўм, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасалар қурилиши дирекцияси 3510 сўм, «Узглавмашснабсбит» базаси 1436 сўм, республика эҳтиёт қисмлар базаси 7708 сўм, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 1310 сўм жарима тўлашган.

Айниқса, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига тегишли 1 та трансформатор 1977 йилнинг 10 ноябридан бери 5-рамкада занг босиб ётибди. Ахир бу трансформаторни ва бу ерда беҳуда ётган бошқа буюмларни ишлаб чиқариш учун қанчаданқанча ишчи тер тўккан, қанчадан-қанча давлат маблағи сарф бўлган-ку! Нега энди улар ўз таннархини қопламай, бу ерда беҳуда ётиши керак экан? Нима учун мазкур бирлашма ва бошқа ташкилот, корхона муассасаларнинг таъминот бўлимидагилар кўп марта огоҳлантиришларга қарашмай, ўз юкларини олиб кетишмаяпти? Олмалиқ химия заводи ҳам ўз буюртмасини унутиб қўйган, шекилли. Завод адресига келган 2 та трансформатор ҳам бир йилдан буён занглаб ётибди. Юқорида номлари қайд этилган ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари станциянинг юк ортиш ва туширишмайдонини ойлаб банд этиб, темир йўл ходимларини қийнамай, қанчаданқанча давлат маблағини беҳуда ҳавога совурмай юкларини бу ердан тезда олиб кетишлари зарур.

Т. ТОШЕВ,
М. ҲАКИМОВ.



СУРАТЛАРДА: станциянинг юк майдонида ўз эгаларини кутиб ётган юклар.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг республика маданият уйида ўқувчиларни эстетик тарбиялашга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Семинар-кенгаш ишида ҳунар-техника таълими область бошқармаларига қарашли маданият уйларининг директорлари, бадиий раҳбарлари ва методистлари иштирок этишди.

Кенгаш иштирокчилари ёшларни эстетик тарбиялашда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг роли ва маданият уйлари билан ҳунар-техника билим юртлари ўртасидаги ҳамкорлик мавзуида фикр алмашдилар. Шунингдек, ана шу соҳада тўпланган илғор тажрибани оммалаштириш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ёшлар учун республикамизнинг барча областларида маданият уйларни ишлаб турипди. Ёшлар ҳунар ўрганиш билан бирга, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига қизиқиб қатнашиб, ўзларининг ижодий истеъдодларини намойиш этмоқдалар. Бу борада республика маданият уйи қошидаги «Ҳилола» ашула ва рақс ансамбли қатнашчиларининг маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Коллектив ўтган йили Германия Федератив Республикасида ўтказилган Совет Иттифоқи маданияти кунларида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Т Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. НАЗАРОВА: Ҳурматли редакция! Айтингчи, қайси аёллар ҳомиладорлик ва туғруқ нафақасини олишга ҳақли?

Жавоб: Ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан ҳақ тўланадиган отпуска барча ишчи ва хизматчи аёлларга, шу жумладан вақтинча ишга олинган аёлларга берилади. Ҳомиладорлик ва туғруқ отпускасини беришда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларнинг қанча вақт ишлаётганлиги ҳисобга олинмайди. Ишламаётган аёллар ва отпуска олиш вақти етмасдан ишдан бўшаган аёллар бундай отпуска ололмайди.

⁂

Ғ. ҲАСАНОВ: Шаҳримизда китобларни почта орқали юборадиган магазин бор деб эшитдим. Иложи бўлса шу магазин адресини берсангиз.

Жавоб: Гапингиз тўғри. Тошкентда китобларни почта орқали мухлисларга юборадиган магазин бор. У Чилонзор районининг Волгоград кўчасидаги 10-«А» уйда жойлашган. Ватанимиз пойтахти Москвада ҳам шундай магазин бўлиб, у «Педагогик китоблар» деб аталади. Бу магазин К—9, Пушкин кўчаси 7/5-уйда жойлашган.

⁂

С. ИМОМОВА: Шаҳримизда аёллар соябони, сумкаларни ремонт қиладиган пунктлар бор экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Соябонлар, сумкалар, чамадонлар ремонти бўйича қабул пунктлари Пушкин кўчасида, Марказий Госпиталь ва бошқа бозорлар территориясида жойлашган. Шунингдек, Тошкент «Сервис» фирмасининг устахоналари ҳам шундай ремонт ишларини бажаради. Бу ҳақда 66-29-76 телефони орқали қўшимча справкалар олишингиз мумкин.

⁂

Э. ЗИЯЕВА: Тошкентдаги «Янгилик» трикотаж ательеси ҳамшаҳарларимиз г а қандай хизмат турларини кўрсатади?

Жавоб: Шаҳримиздаги «Янгилик» ательеси ва унинг филиаллари аҳоли буюртмаси бўйича трикотаж буюмлар тайёрлайди. Кўйлаклар, жемперлар, кофталар, болаларнинг устки трикотаж кийимлари шулар жумласиндандир. Бундан ташқари кийимларнинг майда ремонти ҳам бажарилади, шунингдек кийимлар реставрация қилинади. Ателье усталари буюртмачи талаби ва дидига мос кийим-кечаклар тикиб беришади.

⁂

Ш. ИСҲОҚ О В А: Мен газлама, тўқилган газламаларга теккан сут, кофе, какао, балиқ доғларини қандай кетказиш тўғрисида маслаҳат бершингизни сўрайман.

Жавоб: Турли рангдаги ип-газлама, тўқилган газлама, жун ва ипак газламалардаги шундай доғлар кийимни ювганда, шунингдек, бензин ёки ацетон билан артганда кетади. Оқ газламаларда доғлар ўрнида қолган рангли излар водород пероксиди эритмасида (бир стакан сувга бир ош қошиқ солинади) ҳўлланган латта ёки пахта билан артилади, сўнгра буюм сувга чайилади. Оқ ёки оч ранг газламалардаги доғларни новшадил спиртининг ўзи (ярим стакан сувга бир чой қошиқ солинади) ёки новшадил спирти билан (оғирлик ҳисобида бир ҳисса) глицерин (оғирлик ҳисобида 20 ҳисса) ва сув (20 ҳисса) аралашмаси кетказади. Бундан кейин кийим сувга чайилади. Кийим ювилмайдиган бўлса, доғ ўрнига сувда ҳўлланган пахта бир неча марта босилиши лозим. Жун ва ипак газламалардаги доғлар қуйидагича кетказилади: доғ 35—70 даражагача иситилган глицерин билан ҳўлланади, глицерин газламага яхши шимилиши учун 10—15 минут қолдирилади, сўнгра доғ глицеринда ҳўлланган пахта билан артиб тозаланади. Энг сўнггида глицерин юқи сувда ҳўлланган пахта босиб кетказилади.

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси органлари ва бўлинмаларининг оператив кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш «Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг 1978 йилги оператив-хизмат фаолияти якунлари, КПСС XXV съезди қарорлари асосида шаҳарда ҳуқуқ тартиботини янада мустаҳкамлаш юзасидан 1979 йилги асосий вазифалар» тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори И. Ғ. Сатторов доклад қилди.

Докладчи барча совет кишилари қатори тошкентликлар КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш устида қунт билан меҳнат қилаётганликларини таъкидлади. Тошкент меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йили халқ планларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Тошкентликлар н и н г эришган меҳнат муваффақиятларида республикамиз пойтахти ички ишлар органлари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор, албатта. Улар ҳуқуқ тартиботини ҳамда социалистик қонунчиликни муҳофаза қилиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг бераётган муттасил ёрдами, прокуратура, суд ва юстиция органлари билан олиб борилаётган мустаҳкам алоқалар туфайли ички ишлар органлари томонидан бошқариш системасини янада такомиллаштириш, профилактик ишларни ҳамда оператив қидирув фаолиятини кучайтириш борасида катта аниқ ишлар амалга оширилди.

Талон-тарож ишларини олгирларни, чайқовчи ва порахўрларни фош этишда БХСС ва тергов аппаратларининг фаолияти активлашди.

Халқ хўжалиги объектларидаги ёнғинга қарши чоралар кўриш, кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, шунингдек, корхоналар ва гражданларнинг квартираларини сақлашда уларни техника воситалари билан жиҳозлаш бирмунча яхшиланди. Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари такомиллаштирилди.

Алкоголизмга қарши кураш юзасидан олиб борилаётган ишлар самараси оширилди.

Ички ишлар органларининг ходимлари жамоатчилик ёрдамига кенг таянадилар. Меҳнаткашларнинг жамоатчилик, ҳаваскорлик ташкилотлари, уларнинг кўнгиллилар сифатида тузилган ташкилотларини ўзига бирлаштирган ижтимоий профилактика н и н г уйғун системаси барпо этилган. Турар жой микрорайонларида ҳуқуқ тартиботини ҳимоя қилишда партия ва жамоатчилик ташкилотлари, меҳнат коллективлари таъсирчанлигин и н г самарали формаси ҳисобланган таянч пунктлари янада кенг тармоқ отди ва такомиллашди.

Шу билан бирга ички ишлар органлари ишида камчиликлар мавжуд. Йиғилишда қилинган докладда ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар сўзида ана шу камчиликларнинг сабаблари батафсил таҳлил этилди, уларни бартараф этишнинг йўллари белгиланди.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар органлари ва бўлинмаларига, бутун шахсий составга қарата мурожаат қабул қилди. Мурожаатда қонун бузишнинг социал профилактикаси самарадорлигини оширишга эришишга, хизмат интизомини ҳамда социалистик қонунчиликни муттасил мустаҳкамлаб боришга, жамоатчилик кенг оммаси билан алоқани мустаҳкамлаш, жанговар хизмат ва сиёсий тайёргарлик даражасини муттасил ошира боришга даъват этилган.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди ва сўзга чиқди.

Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти Шарқ ёдгорликларини ўрганиш ва нашр этиш секторида буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Синонинг шоҳ асарларидан бўлмиш «Тиб қонунлари» асарини иккинчи марта нашр этиш устида иш олиб борилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) институтнинг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Ҳамидулла Ҳикматуллаев, сектор бошлиғи Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, филология фанлари доктори Убайдулла Каримов ва катта илмий ходим, филология фанлари кандидати Исматулла Абдуллаев янги нашр юзасидан фикр алмашмоқдалар.

И. Шоиноғомов фотоси.

ТУЙҒУЛАР ТАРОВАТИ

(ТАҚРИЗ)

Шоира Ойдин Ҳожиеванинг яқинда нашр этилган «Тароват» номли лирик тўпламини шеърият шайдоларини севинтирди. Тўпламдан ўрин олган ҳар бир шеър шоиранинг ҳаётдан, одамлардан, эл-юртидан, она ва фарзандидан мамнунлик туйғуси бўлиб эшитилади. Уларнинг мавзу доираси кенг, ранг-баранг.

Шоира китобдаги шеърларни мавзу ва мазмунига кўра тўрт қисмга бўлса ҳам, лекин улардаги ўзига хос яхлитлик, тароват, беғубор туйғу бир-бирининг давомидек ҳис этиш имконини беради, бири иккинчисини тўлдиришга, бойитишга хизмат қилади. Тўпламдаги дастлабки қатор шеърларда болалиги ўтган азиз тупроқ — она-Ватан жўшиб мадҳ этилади. Китобнинг дастлабки саҳифаларидан ўрин олган худди шу мавзудаги «Чанқовуз», «Ўзбекистон» каби шеърлар шу мавзуга бағишланган. Эътибор берилса, бу мавзуда қалам тебратмаган, қуйламаган, изланмаган бирон бир ижодкорни топиш қийин. Шоира уларни такрорламагани ҳолда ўз туйғуларини сатрларга тўкиб соладики, беихтиёр равишда бепоён ўлкамизнинг соя-салқин водий ва яйловларини, қишлоқ ва шаҳарларининг мафтуни бўлиб қоласиз. Шеърият кучи билан дилимизда ўша такиш юртимизга янгидан бир меҳр уйғонади, шундай ўлкада бахт топганлигингиздан беҳад севинчларга тўласиз... Китобхон шеърни ўқиб бўлиб, қалбида барқ урган бахтиёрлик, мағрурлик сирлари-сабаблари — социалистик тузумимиз эканлигини яна бир бор ҳис этиб, ўзида қаноат ҳосил қилади. Шоира ана шу қаноат туғдирувчи туйғуни жозибали ҳарорат билан қуйлайди, ўз ўқувчисини бунга янгидан яна бир бор ишонтиради. Белинский таъбири билан айтганда бу— «Санъатда ишонтириш—ҳодисалар моҳиятини кўрсата билишдир». Ойдин қўпчилик шеърларида буни муваффақиятли уддалай олган. Бу ўз ўрнида шоира маҳоратининг йил сайин камол топиб бораётганлигининг гувоҳи деса ҳам бўлади. Унинг «қўшиқларнинг авжида, тўқиларнинг мавжида» тўлиб-тошиб қуйлаши ҳам шундандир. Масалан, у ўзининг «Ўзбекистон» шеърида диёримизни эҳтирос билан шундай тасвирлаганини кўрамиз:

Эртак мисоли
кўнглимни
Чулғаган юрт
сенсан-ку, —
Кекса жаҳон ўнгида
Улғайган юрт
сенсан-ку, —
Октябрнинг энг ёрқин,
Бийрон сўзи
сенсан-ку, —
Ўзбекистон довруғи,
Достонларни
кашф этдим!

Шоирага фақат Ўзбекистоннинг афсонавий гўзаллиқларигина эмас, айни чоқда унинг довруғини кашф этган, достон қилган инсон, «Ажалнинг ёқасидан минг ўлиб, минг тирилган инсон»ларнинг шижоати туганмас илҳом беради. Шеърда инсон меҳнати билан она-Ватаннинг тасвири бир-бирига уйғунлашиб кетган, натижада шеърнинг маъно ва мазмуни, бадиийлиги чуқурлашиб, ўқувчига берадиган эстетик завқи ошган.

Шоиранинг «Бир сўз» шеърида шундай мисралар бор:

Ватан ҳиди
келар онадан,
Ақлинг етар
бу сўзга бир кун.
Бахтлиманки,
шу кичик қалбда
Ендиролдим
мисли йўқ учқун.

Она қизчасининг «жажжигина» луғатида Ватан сўзи бордлигидан, Ватан меҳри билан улғаяётганидан беҳад қувонади. Айтганимиздек, бу ўринда она-Ватан тушунчаси билан фарзанд тушунчаси ва она образи шеърда муштарак маъно касб этади. Она тимсолида — Ватан, фарзанд, борлиқ бутун ҳаёт гавдаланади.

Тўпламдан ўрин олган кўпчилик шеърлар тасвирдаги шоирона мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ойдин ўзи чуқур ҳис қилган воқеа ва кечинмаларни ёзади. Лекин баъзи шеърларида ҳис-туйғулар шиддати меъёридан ошиб кетгандек туюлади («Бахт бир бор келади...», «Агар севсанг...»). Оқибатда интим «можаро» гражданлик туйғуларидан баландроқда кўрингандек бўлади. Аммо бўлар шоиранинг яратган янги шеърий тўплами маъно ва мазмунини пасайтирмайди. Шундай экан, китобда жамулжам бўлган туйғулар таровати шеърхонлар маънавий оламини бойитади.

С. ИРИСХЎЖАЕВА,
филология фанлари кандидати.

ДАВОЛАР ХАЗИНАСИ

(«МАХЗАН УЛ-АДВИЯ»)

Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилийнинг «Махзан ул-адвия» («Даволар хазинаси») китоби ўз номи билан ўзининг қадр-қийматини англатиб турувчи китоблардан биридир. Унинг муаллифи табиб ҳонадонида дунёга келган бўлиб, ёшлигиданоқ табобатда кўзи пишган ва отаси ўтказган кўплаб тажрибаларнинг гувоҳи бўлган, ўзи ҳам тинимсиз изланишлар натижасида замонасининг моҳир табибига айланган. Табобат соҳасида ундан икки асар ёдгорлик қолган бўлиб, унинг биричиси биз юқорида номини тилга олган «Махзан ул-адвия»-дир. Ал-Оқилий бу асарни 1776 йили Ҳиндистонда ёзиб тугатди. Асар муаллифнинг шахсий тажрибаларини ўзида акс эттиришдан ташқари энг қадимда яшаган ва ўн саккизинчи аср ичида ижод қилган олим-табибларнинг тажрибаларини ўзида мужассам қилганлиги билан қимматлидир. Асарни мутолаа қилиш жараёнида Бўқрот, Жолинус, Ибн Сино, Беруний, Розий, Ибн Байтор, Довуд Антокий каби машҳур олим ва табиблар номини ҳамда Шарқда машҳур бўлган «Ихтиёроти бадеъий», «Тўҳфат ул-мўъминин», «Мужарработи Афвалий», «Ластур ул-атиббо», «Ихтиёроти Косимий» ва «Хулосат ут-Тужриб» каби китоблар исмини учратамиз.

Биз, ал-Оқилийнинг «Махзан ул-адвия» китоби билан газетхонларни таништириш мақсадида унинг сутлар ҳамда бошқа доривор модлалар ҳақида ёзилган бир неча бобини тақдим этамиз.

Маҳмуд ҲАСАНОВ,
Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими, шарқшунос.

Сигир сути

Сигир сути тўсиқларни очувчи ва баданга жило берувчидир. Тез ҳазм бўлади. Овқатлик қуввати эса кўп. Унинг янгиси мияга фойда қилади, хотира бузилиши, меланхолия, васваса касалини бартараф қилади. Юз рангини очади, бурун иллатларига қарши фойдаси бор. Суркалса ёки томизилса кўзнинг кўпгина яра ва нуксонларига, хатто, тузалиши қийин бўлган кўз касалликларига ҳам, агар бу амал тез-тез такрорланса, фойдалидир. Янги соғилгани ҳали совимай туриб, дарҳол ичилса, юракка наф қилади, ғам, васваса, ҳафақон, ўпка яраси, сил, ичак ярасига қарши фойдалидир. Яна киши ичини юмшатади ва баданни семиртиради. Етилиб пишган ва шакар қўшилган ширгуруч ҳам ични мулойимлаштиради, ҳам қорин санчиғини йўқотади.

Заҳарланганда унинг зарарини бартараф қилиш учун сутдан такрор ичилади ва қусилади. Сутнинг ўзи алоҳида ичилганда ёки бошқа муносиб дорилар қўшиб ичилганда барча заҳарли ёки қатол дорилар заҳрини кесади. Бунда сутга мол ёғи қўшиб ҳам ичиш мумкин.

Сутнинг гуруч билан бирга қайнатилгани ёки ширгуручи ҳамда фарний (гуручдан кисель) қилинган истеъмол қилинса, киши умрини узайтиради, юз рангини очади. Енгоқ ёки хурмо билан қайнатиб ичилса, қотиққа фойда қилади, кишини семиртиради, юз рангини очади ва бақувват қилади.

Сутни кўп истеъмол қилишнинг зарари ҳам бўлиб, қовиқ ҳамда буйракда тош пайдо қилади, битни кўпайтиради, пес касалини келтириб чиқаради. Шундай зарар содир бўлмаслиги учун шакар ва асал истеъмол қилинади. Шакар ва асал сутнинг ошқозонда ивиб қолишини ҳам йўқотади. Ошқозонда сут ивиб қолганда эса киши баданида қалтироқ пайдо бўлади, совуқ тер босади, кўнгил айнийди, алахлаш рўй беради, томоқ оғриги пайдо бўлади. Унинг давоси эса қусишдир.

Хинд ҳакимларининг ёзишича, оқ сигирнинг сути савдони, қора сигирнинг сути сафронни, қизил сигирнинг сути балғамни ва сариқ сигирнинг сути эса ҳар уччала хилтни йўқотади.

Бия сути

Бия сути форс тилида «шири модён» дейилади. Унинг мижози бошқа сутларга нисбатан хўл-иссиқдир. Бия сутининг хосият ва таъсири шундан иборатки, у баданга жило беради, тўсиқларни очади ҳамда қувонтириш хоссасига эга. Ундан ичилганда кишининг иштаҳасини очади, ичини юмшатади, буйрак ҳамда қовиқ яраларига фойда қилади. Соғилган пайтда иссиқ ҳолича хуқна (клистир) қилинса бачадон яраларини тузатади.

Бия сутининг нордонлаштирилгани, яъни қимизи таъсирда кучлироқдир. У истиско (волянка) ва сил иллатининг баъзи турларига қарши яхши наф қилади.

Бия сутининг қизиқ хосиятларидан яна бири шуки, болага ҳали чечак чиқмасидан аввал қимиздан оз-оз ичириб турилса, чечак чиқмайди, борди-ю, чиқса ҳам бир неча донадан ошмайди. Бу иш кўп марта тажриба қилинган.

Қўй сути

Қўй сути сигир сутига нисбатан қуюқроқ бўлади. Энг яхши қўй сути қора қўй сутидир. У мижозда хўл-иссиқ бўлади. Хосият ва таъсири шундан иборатки, у мия катигига, айниқса орқа мияга куч бағишлайди. Елин яралар, ичак яраси ва қон туфлашга қарши фойдалидир. Кишининг рангирўйини чиройли қилади. Захарли дориларнинг зиёнини йўқотади. Бодом ёғи ва араб елими билан бирга йўталга фойдалидир. Унинг зарари ҳам бошқа сутлар зарарига ўхшашдир. Яна ундан қорин қуруллаши, бўғлам ва қорин санчиғи юз беради.

Она сути

Аёл сути бошқа барча сутлардан латифроқ бўлиб, гўдаклар учун энг мувофиқ овқатдир. Аёл сути, айниқса, қиз туққан аёл сути барча иссиқдан юз берувчи касалликларга қарши фойдалидир. Ёш, мижози тоза, соғлом, кўп қиз туғувчи аёл сути энг яхши сут хиссобланади. Аёл сути иккинчи даражада совуқ, қиз туққан аёлники эса ундан ҳам совуқроқдир.

Хосият ва таъсири шундан иборатки, мияга қувват беради, уйқусизликни йўқотади, кўз оғриғи, ўпка яралари, безгак иситмасига қарши фойдалидир. Пешоб ҳайдайди. Ичилганда мияга ва нафас йўлига ҳўллик бағишлайди. Сил, безгак, нафас йўлининг қуриб колиши, йўтал, кон туфлашни бартараф қилади.

Аёл сутидан бурунга тортилса миянинг қуруқшаб колишини сарсом (мия пардасининг шамоллаши)ни, иссиқдан юз берувчи бош оғригини, ақлнинг бир оз нуксон топишини, меланхолияни, қон айнаши ва сафро қуйишидан юз берган телбаликни йўқотади. Мазкур сутга латтани ҳўллаб, пешонага босилса, исиган ва қуриган пайтда такроран алмаштирилиб турилса, юқоридаги касалликларга қарши бўлган хоссаларни бераверади. Кўзга томизилса кўз оғригини, кўз яраси, кўз миянжаларидаги иллатларни дафъ этади. Қулоққа томизилса, қулоқ оғриги, яра ва қулоқ шамоллашини бартараф этади.

Аёл сутидан фойдаланишнинг энг самарали йўли—уни совитмасдан дарҳол ичишдир. Иложи бўлса она кўксининг ўзидан ичилади. Негаки аёл сути энг латофатли ва нозик сут бўлиб, бир нафасда айниб қолади.

Унинг қизиқ хислатларидан бири шуки, бурга устига томизилса, бурга бу сут остидан чиқиб кетолмаса ёки унинг остида ўлиб колса, демак аёл кизга ҳомиладор бўлади. Борди-ю, бурга сут остидан чиқиб кетса ёки ўлмай қолса, демак аёл ўғил бола учун ҳомиладор бўлади. Бу нарса кўп марта тажриба қилинган.

Бошка сутларга нисбатан яхши ҳисобланган аёл сути шундай сутки, тирноқ устига томизилса, тарқалиб кетмай, томчи ҳолича тураверади.

● *Илмий муассасаларда*

АВТОМАТ СУВНИ ЖИЛОВЛАЙДИ

Кейинги йилларда сув хўжалиги иншоотлари ва каналлар саноат асосида бошқарилмоқда. «Зарафшон», Катта Фарғона канали ана шундай системага ўтказилди. Сирдарё, Мирзачўл, Қарши чўлида автоматлаштирилган системалар ишга тушмоқда. Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган «Узводприбораавтоматика»ннинг технологик-конструкторлик лойиҳа бюросининг илмий ишлар бўйича директори ўринбосари Арслон Раҳимович МАНСУРОВ қўлланилаётган ана шу янгиликлар тўғрисида гапириб берди:

— Бюро республикада гидромелиоратив тармоқларни автоматикага ўтказиш бўйича ягона ҳисобланади. Ҳозирда жадал усулда қўриқ ерлар ўзлаштирилянти, қақраган ерларга сув чиқарилмоқда. Суви кам манбаларга эса насослар орқали узатилянти. Катта-катта магистрал к а н а л л а р қурилмоқда. Жумладан, Аму-Бухоро машина канали, Катта Наманган канали, Катта Фарғона канали, Киров каналларини миллатга келтиришимиз мумкин. Бу каналлар бир неча юз километрга чўзилган бўлиб, бир неча колхоз, район территориялар и д а и оқиб ўтади. Сув айриқичларда канчаланканча одамлар банд бўлиб туради. Каналлар, гидроузеллар, тўғонларнинг қурилишини темир-бетонсиз тасаввур этиш қийин.

Бизнинг конструкторлар, инженер-техниклар темир-бетон заводларига конструкцияларни қуришда ва уларни сув иншоотларига ўрнатишда техника ёрдамини кўрсатмоқда. Бундай ўзаро ёрдам келгусида бой тажриба яратади. Бюро ходимлари лойиҳаларни чизиш билан бирга у ёки, бу асбоблари завод ишчилари билан бирга такомиллаштиради, кейин сув иншоот қурилишларида гарантия муддати билан ўрнатади, ишлаётган даврда асбоблари ишлаш жараёнини кузатиб туради.

Шу кунларда каналларда оператив диспетчерлик бошқарма системасини жорий этилмоқда. Бу система сувни бўлиб беради, унинг ҳажмини ҳисоблаб боради. Техника воситаси бошқариш ва контроль қилишни автоматик равишда бажаради. Ундан ташқари бу сувнинг оқиб келишини, омборга тушаётган сувнинг ҳажмини, сувни тақсимлашни бошқариб туради. Бу система магистрал-районлараро, хўжаликлараро сув тақсимлашда ишлатилади. Бундай системани ўрнатиш фақат ҳисоблаш машиналари ёрдамида математика программасида олиб борилади. Бу ишлаб чиқарилган система кейинчалик Узбекистон ССР Сув хўжалиги ва мелиорация министрлигига қарашли барча сув иншоотларида тадбиқ этилади.

Т. ШОЮСУПОВА,
«Узоргтехстрой м е л и о р а ц и я» трестининг ходими.

ГЕНЕТИК НУР

Лазер нури ўсимлик организмларининг ирсиятини ўзгартира олади. Белоруссия ССР Фанлар академиясининг физиклари ва биологлари буни тажриба билан исбот қилдилар. Улар буғдой ва арпа уруғлигига тўлқин узунлиги ўзгартириладиган лазер нури бериб, қизиқ бир ҳодисани кўрдилар. Нурнинг тусига қараб наслда турли ўзгаришлар рўй беради: доннинг вазни ёки унинг таркибидаги оқсил вазни ошади, поянинг шакли ўзгаради.

— Ирсий аппаратга таъсир кўрсатишда қўлланган радиация ёки рентген нурига нисбатан лазер нури бир мунча юмшоқдир», — дейди генетика ва цитология институтининг директори Л. В. Хотилева.— Янги фойдали хоссаларга эришилади. Бу нарса генетиклар истиқболли экин турларини селекциячилар қўлига топширишларига ёрдам беради.

Шу кўклам Минск областидаги «Семежево» колхозида генетик нур ёрдами билан чиқарилган буғдойнинг дастлабки тўрт хил мутанти экиб кўрилади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЭҲМЛИ АВТОМОБИЛЬ ТОРМОЗЛАРИ

ПРАГА. Чехословакиялик инженерлар автомобиллар учун ғилдиракларнинг «қотиб қолиш» имкониятига барҳам берувчи ва тормозлаш кучини аниқ чекловчи «идеал» тормоз системасини ишлаб чиқдилар. Улар ҳар бир ғилдиракка ўрнатилувчи ва ғилдиракларнинг «қотиб қолиш» моментини аниқ илғовчи тормозлаш кучи регуляторини яратдилар. Улар автомобилнинг ҳаракат тезлиги ва ҳар бир ғилдиракнинг блокланиши тўғрисидаги маълумотларни датчиклардан йиғиб, энг мақбул тормозлаш режимини белгилаб берувчи ҳисобдон машина ҳам ясадилар.

БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг иккинчи саноат маркази Дархон шаҳрида республика хотин-қизлар ташкилотлари раҳбар ходимларининг семинари бўлиб ўтди. 18 аймоқдан, Улан-Баатор, Эрдэнет ва Дархон шаҳарларидан келган педагоглар, юристлар, врачлар, экономистлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимларидан иборат қатнашчилар Халқаро болалар йилига бағишланган конкрет тадбирларни белгиладилар.

МХР Буюк халқ хурали президиумининг аъзоси, Монголия хотин-қизлар комитетининг раиси, машҳур ёзувчи С. Удвал семинарда сўзга чиқиб, хотин-қизлар советлари ва комитетларини белгиланган барча тадбирларни амалга оширишда ташаббускор бўлишга, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида актив қатнашишга чақирди.

ЯНГИ ШИФОХОНА

ХАНОЙ. Хошимин шаҳрининг ҳушманзара жойларидан бирида касаба союзларининг яна бир шифохонаси очилди. Бу ерда айни бир вақтнинг ўзида қариб 700 ишчи ва хизматчи дам олади. Кейинги ойларда шаҳар касаба союзлари федерацияси 10 та дам олиш уйи ва профилакторий очди.

Меҳнаткашларни н г турмуш шароитини яхшилаш — Вьетнам касаба союзларининг энг асосий вазифаларидан бири. Шу мақсадда Хошимин шаҳрининг ўзидагина корхоналар ва муассасаларда 500 дан зиёд социал таъминот комиссиялари тузилган.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

БОМБАЙ. Бу ерда СССР билан Ҳиндистон ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида битим имзоланди. Ҳужжатни СССР атом энергиясидан фойдаланиш Давлат комитетининг раиси А. М. Петросянц билан Ҳиндистон атом энергияси комиссиясининг раиси Х. Н. Сетхна имзоладилар. Битим имзоланганидан сўнг томонлар бу битим Совет—Ҳиндистон дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

СССР билан Ҳиндистон ўртасида атом энергияси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги биринчи битим 1961 йилда тузилганди.



БОЛГАРИЯ, СССР ва БХРнинг куч-ғайрати билан икки йил деганда жаҳондаги энг катта Варна — Ильичевск паром йўли фойдаланишга топширилди. Бу паром йўли ҳар йили икки мамлакат ўртасида Қора денгиз бўйлаб 4,5 миллион тонна юк ташиш имконини беради. Ушбу маршрутда тўрт паром қатнаб турибди. Уларнинг ҳар бири бортига бир йўла 108 темир йўл вагонини ортиш мумкин.

СУРАТДА: транспорт комплекси нинг Варна участкаси.

Централфото — ТАСС.

ИРОҚДА МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ

БАҒДОД. Ироқ Революцион қўмондонлик кенгаши мактаблар қурилиши бош кампаниясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу кампания мамлакат территориясидаги барча мактаб бинолари қурилишини олиб боради. Ироқ раҳбарлик органининг бундай қарори мактаб бинолари етишмаётганлигидек муҳим муаммонинг тезроқ ҳал этилишига қаратилган.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/I да Борис Годунов, 31/I да Оламнинг яратилиши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 30/I да Ганг дарёсининг қизи, 31/I да Шошма, қуёш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/I да Кулги нечаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/I да Балбашара ёҳуд Эзоп, 31/I да Кичик фожиалар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 31/I да «Тўрт куёв» эстрада цирк лўлилар ревюсининг гастроллари.

КИНО

30 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — Фестиваль.

«ҚОРА ҚАЙИН ҲАҚИДА ҚИССА» — Ғунча.

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — Қозоғистон.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШОД-ХУРРАМЛИКДА ЯШАНГ» — Чайка, Восток, Мир.

«ҚАЛЪА»— Нукус, Дружба (2-зал), Москва, Лисунов номли.

«СИЗНИ ГРАЖДАНКА НИКАНОРОВА КУТЯПТИ»— Дружба.

«ОРҚАДАН УРИЛГАН ЗАРБА» — Узбекистон ССР 25 йиллиги, Ҳамза номли, К. Ерматов номли.

«МАКТАБ ВАЛЬСИ»— Искра.

«БИРИНЧИ СИНФДА БЎЛГАН ЭКАН...»— Пионер.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ— Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Узбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Қўқча, Пионер, Нукус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Искра.

31 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — Фестиваль.

«ҚОРА ҚАЙИН ҲАҚИДА ҚИССА» — Ғунча.

«ИЛТИФОТГА ШОШИЛИНГ» — С. Раҳимов номли.

«СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК» — Тошкент Советининг 50 йиллиги.

«САЛОМ, ПОЙТАХТ!» — Қозоғистон.

«СЕРГИЙ ОТА ҲАҚИҚАТ ИЗЛАЙДИ» — Қўқча.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШОД-ХУРРАМЛИКДА ЯШАНГ» — Чайка, Восток, Мир.

«ҚАЛЪА»— Нукус, Дружба, (2-зал), Москва, Лисунов номли.

«СИЗНИ ГРАЖДАНКА НИКАНОРОВА КУТЯПТИ» — Дружба.

«ОРҚАДАН УРИЛГАН ЗАРБА»— Восток (кичик зал), Узбекистон ССР 25 йиллиги, Ҳамза номли, К. Ерматов номли.

«МАКТАБ ВАЛЬСИ» — Искра.

«БИРИНЧИ СИНФДА БЎЛГАН ЭКАН...»— Пионер.

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ— Москва, Дружба, Фестиваль, Лисунов номли, Мир, Восток, Ҳамза номли, Янгиобод, Ғ. Ғулом номли, Ғунча, С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги, Қозоғистон, Навоий номли, Узбекистон ССР 25 йиллиги, Чайка, Қўқча, Пионер, Нукус, Тинчлик, ВЛКСМ 30 йиллиги, Искра.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Троллейбус ҳайдовчилари курсларига

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой.

Ўқувчилар стипендия, шаҳар электр транспортида бепул юриш ҳуқуқи билан, ёлғиз кишилар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА ФЕВРАЛЬ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/II да — ЧАНДИҚЛАР.
2/II да — ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ.
3/II да — БИРИНЧИ БУСА.
4/II да БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
6/II да — ТИНМАСИН СОЗ.
7/II да — ТАШВИШЛАНМАНГ ОНАЖОН.
8/II да — КИЧИК ФОЖИАЛАР.
9/II да — ТЎЙ МУБОРАК ҚАРИ ҚИЗ.
10/II да — ЕДИНГ БИЛАН.
11/II да — БИРИНЧИ БУСА.
13/II да — ФАҚАТ АҚЛ СОТИЛМАЙДИ.
14/II да — КЎЗИНГНИ КАТТАРОҚ ОЧ.
15/II да — БАДБАШАРА ЕҲУД ЭЗОП.
16/II да — ЧАНДИҚЛАР.
17/II да — ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ.
18/II да — БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
20/II да — ТИНМАСИН СОЗ.
21/II да — ТАШВИШЛАНМАНГ ОНАЖОН.
22/II да — КИЧИК ФОЖИАЛАР.
23/II да — ТЎЙ МУБОРАК ҚАРИ ҚИЗ.
24/II да — КЎЗИНГНИ КАТТАРОҚ ОЧ.
25/II да — ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ.
27/II да КОРЧАЛОНЛАР.
28/II да — ҲАММОМГА ВАЛО БОРМИ?

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 16.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар театр кассасида соат 15.00 дан 20.00 гача сотилади. Телефонлар: 44-56-52, 44-11-33.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 124-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

чизмачи-конструктор ва секретарь-машинистка ихтисослари бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига ўрта маълумотга эга бўлган тошкентлик йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 30 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайдилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, директор номига ёзилган ариза.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 84, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (9, 51, 60, 24-автобуслар, 2, 16, 25, 29-трамвайларнинг «Геологоразведка» ёки «Ғалаба» боғи бекатлари).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

БИР ВАКТНИНГ ЎЗИДА ЕШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАМ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАР ОЙИДА 64 СЎМДАН СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛАР АЙНИ БИР ВАҚТДА КЕЧКИ МАКТАБДА ЕКИ САВДО ТЕХНИКУМИДА ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

МАКТАБ-МАГАЗИННИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР КАТТА МАГАЗИНЛАРГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИ ВА УЛАРГА СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ ЕКИ СИРТКИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси 65-уй (2, 5, 8, 9, 10, 12, 1, 24, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 55, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати) 33-75-48 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ЗАРУР МАЙДА-ЧУЙДАЛАР

ЧИРОЙЛИ КИЙИНИШ — БУ ФАҚАТ ТЎҒРИ ВА ДИД БИЛАН КИЙИМ ТАНЛАШГИНА ЭМАС, БАЛКИ АНА ШУ КИЙИМГА ЯРАШИҒЛИК БОШҚА ҚУШИМЧАЛАРНИ ҲАМ ОЛАБИЛИШДИР.

Агарда биз мунчоқ тақсак, шойи шарф ёки дуррачани чиройли қилиб боғласак, кийим-бошимиз янада башанг ва байрамона тус олади. Биз кўпдан бери эътибор қилмаган майда-чуйда тўсатдан зарур бўлиб қолади.

Қўлқоп, сумкачасиз аёл кишининг энгил бошини мутлақо тасаввур этиш қийин.

Чунончи, эркак кишининг меҳмонга кийган башанг костюмини галстуксиз ва запонкасиз тасаввур этиш қийин.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР! СИЗЛАРНИ «ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ ГАЛАНТЕРЕЯ БЎЛИМЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

САВДОДА ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД:

театр, спорт, хўжалик, йўл сумкалари (Тошкент, Минск, Пинск, Рига ва Запорожье чарм-галантерея фабрикаларида ишлаб чиқарилган). Сумкаларнинг баҳоси — 5 сўмдан 15 сўмгача.

Крепдешин, атлас, газ, шойи, шерстдан тикилган аёлларнинг рўмоллари (Тошкент, Таллин, Рига, Москва фабрикалари ишлаб чиқарган).

Аёлларнинг иситилган ва енгил қўлқоплари, эркакларнинг иситилган чарм, чарм ўрнини босувчи ва комбинирлаштирилган қўлқоплар.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган соябонлар. Баҳоси — 10 сўмдан 20 сўмгача.

Металл-галантерея — пулверизаторлар, упадонлар, соат тасмалари, электр бритвалар, соч олиш учун электр машинкалар, фенлар, «Лилия» электробигудилари, шпилкалар, невидимкалар, тўғноғичлар, зираклар, кулонлар;

пластмасса галантерея — аёллар тароқлари, тароқчалар, полиэтилен ва полихлорлин клеёнкалар, қутичалар, банка қопқоқлари.

Басон галантерея — уқалар, атлас ва капрон ленталар, галстуклар.

«ТАШПРОМТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

УЙ БЕКАЛАРИНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» магазинлари синтетик ювувчи ва тозаловчи воситаларни эътиборингизга ҳавола қилади

«ЖЕМЧУГ», «ЧИСТОЛЬ», «УНИВЕРСАЛЬНАЯ-2», «ПАРМА» ПРЕПАРАТЛАРИ

ванналар, раковиналар, газ плиталари, кафеллар, сопол, чинни, эмалланган ва керамика буюмларини тозалаш учун мўлжалланган. Улар жуда тежамли ва самаралидир.

«ЖЕМЧУГ» деб номланган суюк тозаловчи воситани сунъий чармдан тайёрланган буюмларни тозалашда. «ПАРМА» пастаси эса сирланган ва чўян плиталардаги чироқларни тозалашда қўлланилади.

Азиз уй бекалари— уй-рўзғорингизда бир нечта турли хил тозаловчи препаратлар сақлаш билан ошхонангизда ҳамма вақт тартиб ва озодаликни таъминлай оласиз.

Полировкаланган ва лакланган мебелларни сақлашда «ПОЛИРОЛЬ»дан фойдаланишни маслаҳат берамиз. Бу препарат мебель сиртида чанг йиғилишига монелик қилади, доғларни кетказади, ялтироқлик бағишлайди.

«ЛАДА» синтетик ювувчи восита юпқа шерсть, синтетик ва шойи буюмларни ювишда тенги йўқдир. «Лада» таркибидаги маҳсус оҳорлик туфайли, буюмга кучли оқлик бахш этади, гулли газмолларга эса ёрқинлик ва ялтироқлик бағишлайди. Препарат ёқимли ҳидга эга, қўл терисига таъсир қилмайди, ҳар қандай сувда ва ҳар қандай ҳароратда осон эрийди.

«БОДРОСТЬ» — ванналар учун кўпикланувчи шампундир. «БОДРОСТЬ» барқарор кўпик ҳосил қилади, нерв системасига ёқимли таъсир этади, қон айланишини яхшилайди, тери дағалланишини олдиндан маълум қилади. Бу восита универсал бўлиб, ундан тана ва сочни ювиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Булардан ташқари «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ» магазинларида хўжалик ва туалет совунлари, «Лотос» кир ювиш порошоги ва уй-рўзғор ишларингизда сизларнинг ишончли ва энг яхши ёрдамчиларингиз бўла оладиган кўпгина бошқа товарларни ҳам ҳамма вақт сотиб олишингиз мумкин.



Магазинлар адресларини эслатиб ўтамиз:

8 — Черданцев кўчаси, 22-уй.
10— Чилонзор массиви, 12-квартал, Фарҳод кўчаси, 1-уй.
21 — Фрунзе бозори.
22— «МИНГТА МАЙДА-ЧУЙДА»— Муқимий кўчаси, 4-уй.
30 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
47 — Муқимий кўчаси, 1-уй.
49 — Морозов кўчаси, 25-уй.
60 — Боткин кўчаси, 7-уй.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 февраль соат 15.00 ва 19.00 да,
4 февраль соат 19.00 да

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ Холисхон ҚОДИРОВА

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ Карима УЗОҚОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Ҳасан КАРИМОВ, Исмонжон ТУРДИАЛИЕВ, Нодира АҲМЕДОВА, Раҳима РИХСИЕВА, Отажон РАЖАБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари— Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Музика раҳбари— Ҳамид УСМОНОВ.

Программани— Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат Комитети

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

155-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисмини ремонт қилувчи слесарлар, тепловозларнинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарни ремонт қилувчи слесарлар ва электр-газ пайвандчилар, холодильник ускуналарни ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислик ва ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар, темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланиладилар, яъни Иттифоқимизнинг барча пунктларига бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилгандиги тўғрисидаги гувоҳнома маълумоти ҳақида ҳужжат, мактабдан характеристика, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 та фотосурат (3x4 см).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 1-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

30 ЯНВАРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.55 «СССР Олий Советига сайловлар олдидан». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Муздa мотоцикл пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Калинин шаҳридан олиб кўрсатилади. 20.15 «Машъал бўлиш учун ён». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Болгария). 6-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Қаштанлар зар сочмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 Украина Россия билан қўшилганлигининг 325 йиллигига. Байрам концерти. Киевдан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Жаҳон болалари». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Социализм сиёсий системаси назарияси ва амалиёти тараққиётининг янада бойитилиши». 19.20 «Ораста кийиналлик». 19.40 «Илҳом». Телевизион клуб. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Навоий номли Давлат академик Катта театрининг солистлари ижросида романслар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Илгор тажриба мактаби». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.25 «Юмор» телевизион театри. В. Бурличев. «Соҳта келин». 23.15 Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети совғини учун енгил атлетика кўп кураши бўйича Узбекистон ССР кубоги. «Ёшлик» спорт аренасидан репортаж. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

31 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

11.35 «Машъал бўлиш учун ён». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Болгария) 6-серия. 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 «Поэзия». Николас Гильен. 16.15 «Шаҳмат мактаби» «Оқ руҳ». 16.45 «Беш миллик қурилишларида». «Шу йил ишга тушириладиган объектлар». 17.30 Куба миллий фольклор ансамблининг концерти. 18.00 «Горячие парни, шаердасиз?». 18.30 «Фан оламида». 19.00 «Ранглар кўлёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Валерий Чкалов». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.05 Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. Жуфт бўлиб учиш қисқа программа. Загребдан олиб кўрсатилади. (Югославия). 23.15 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Узбекистон телевидениеси ва радиоси болалар хорининг концерти. 18.30 4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни. «Депутат— халқнинг мухтор вакили». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «Биз қишлоқда яшаймиз». Колхоз посёлкаларини комплекс қуриш ва ободонлаштириш бўйича кўрик-конкурсининг якунига доир. 19.40 Лирик концерт. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликда тайёрлаган программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Ижод саҳифалари». Пиримқул Қодиров. 23.05 Кўрсатувлар программаси.

4 ЮШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

30 ЯНВАРЬ, 1979 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-65; саноат — 32-53-83, қишлоқ хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, маданият ва таълим — 32-54-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42, нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—07050. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Е— 1229.